TDIU

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

2023

ILMIY ELEKTRON JURNAL

MAXSUS SON

2nd FORUM OF DEVELOPMENT STRATEGY: GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS

CONFERENCE "GLOBAL AND NATIONAL ECONOMIC TRENDS"

19-20 OCTOBER

PARALLEL CONFERENCES "NEW2AN, ICFNDS AND ICDSIS"

CONFERENCE "IFRS"

"IFRS" НОМЛИ КОНФЕРЕНЦИЯ

ФОРУМ

I ЙЎНАЛИШ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ "Глобал ва миллий иқтисодиёт трендлари"

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ, АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ТАЪЛИМНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ "NEW2AN, ICFNDS, ICDSIS" номли параллель конференциялар

- Macroeconomic Stability
- Social Welfare
- Human Capital
- Decent Employment
- World Economy
- Gender Equality
- Industry 4.0
- Sustainable Agriculture

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI

https://laboreconomics.uz



## MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI
## 2023-yil Maxsus son

## ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

## LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

**laboreconomics.uz**

**"Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali"** ilmiy elektron jurnali O'zbekiston Respublikasi Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro'yxatga olingan.
**Muassis:** "Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali" ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**
100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.
**Elektron manzil:** *ilmiymaktab@gmail.com*
**Jurnal web-sayti:** *www.laboreconomics.uz*
**Bog'lanish uchun telefonlar:**
+998 (99) 881-86-98.

TOSHKENT–2023

## EDITORIAL BOARD | TAHRIRIYAT KENGASHI

**Tahririyat Kengashi raisi: (Chairman of the Editorial Board)**
Abdurahmanov Qalandar Xodjayevich, O‘zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a’zolari: (Members of the Editorial Board)**

Toshqulov Abduqodir Hamidovich,
i.f.d., prof.

Yusupov Axmadbek Tadjiyevich,
i.f.d., prof.

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich,
t.f.d., prof

Raifkov Kudratilla Mirsagatovich,
i.f.d., prof

Xalmuradov Rustam Ibragimovich,
i.f.d., prof

Umurzakov Baxodir Xamidovich,
i.f.d., prof.

Nazarov Sharofiddin Xakimovich,
i.f.d., prof.

Jumayev Nodir Xasiyatovich,
i.f.d, prof.

Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna,
i.f.d., prof.

Eshov Mansur Po‘latovich,
i.f.d., prof.

Zokirova Nodira Kalandarovna,
i.f.d.. prof.

Xudoyberdiyev Zayniddin Yavkachevich,
i.f.d., prof.

Muxiddinov Erkin Madorbekovich,
i.f.f.d., (PhD)

Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayev,
i.f.n., dots.

Amirov Lochinbek Fayzullayevich,
i.f.f.d., (PhD), dots.

G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich,
i.f.f.d., (PhD), dots.

Shakarov Zafar Gafarovich,
i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a’zolari:**
***(Community Council members)***

Bred Bodenxauzen (AQSh)
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)
Xeynz Miller (AQSh)
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)
Masato Xivatari (Yaponiya)
Gerxard Feldmayer (Germaniya)
Eko Shri Margianti (Indoneziya)
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)
Rohana Ngah (Malayziya)
Sharifah Zanniyerah (Malayziiya)
Teguh Dartanto (Indoneziya)
Nur Azlinna (Saudiya Arabistoni)
Muhammed Xoliq (Pokiston)
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas’ul muxarrir (Editor-in-Chief):**
G‘oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):**
Musayev Xurshid Sharifjonovich


Toshkent sh,
O‘zbekiston st.
www.laboreconomics.uz
+998 (99) 881-86-98
ilmiymaktab@gmail.com

# MUNDARIJA (CONTENTS)


## MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI

| | | |
|---|---|---|
| Q.X. Abdurahmonov<br>S.B. G‘oyipnazarov | Сунъий интеллектни жорий этиш натижасида меҳнат бозоридаги ўзгаришлар | 6–12 |
| R.I. Nurimbetov<br>A.M. Ismailov | O‘zbekiston iqtisodiyoti tarmoqlari rivojlanishi va aholi bandligini manfaatdorlik indeksi asosida baholash | 13–21 |
| N.T. Shayusupova<br>S.S. Amirdjanova | Прогнозирование макроэкономических показателей роста экономики и занятости населения республики | 22–29 |
| I.A. Bakiyeva | Тошкент вилоятида ишсизларни замонавий касб-ҳунарга ўқитишни самарали ташкил этиш йўллари | 30–34 |
| S.I. Sotnikova | Наемный труд: институциональные эффекты неравновесной экономики | 35–41 |
| A.S. Usmanov<br>M.A. Bahriddinova | Qashqadaryo viloyatida bandlikning tarmoq tuzilishidagi o‘zgarishlar va uning aholi turmush farovonligiga ta’siri | 42–48 |
| X.F. To‘xtayeva | Туристик хизматлар бозорида бандликни тартибга солиш ва бошқариш бўйича илғор хорижий тажрибалар | 49–56 |
| B.Z. Ganiyev | O‘zbekiston hududlarida bandlikning iqtisodiy o‘sishga nisbatan elastikligi tahlili | 57–61 |

## INSON RESURSLARINI BOSHQARISH

| | | |
|---|---|---|
| S. Sotnikova<br>N. Sotnikov | Ecology of the employee’s career based on the concept of time management | 62–70 |
| A.N. Turayev<br>B.B. Suvonov | Направления развития анализа затрат труда в хозяйствующих субъектах | 71–76 |
| B.B.Suvonov | Зарубежный опыт анализа показателей затрат труда в хозяйствующих субъектах | 77–82 |
| Z.M. Xasanova | Enhancing economic education and human resources management: a study of innovative approaches in Uzbekistan’s higher education institutions | 83–91 |
| R.R. Oqmullayev | Инсон ресурсларини бошқариш — олий таълим муассасаларининг глобал рақобатбардошликка эришиш омили | 92–102 |
| B.B. Mardonov | Xizmat ko‘rsatish sohasida kadrlar salohiyatini baholash | 103–108 |
| M.Sh. Xaydarova | Использование искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами | 109–123 |

## ҷINSON KAPITALI

| | | |
|---|---|---|
| A. Zikriyoyev<br>D. Khojamqulov<br>M. Raimjanova<br>N. Turayev<br>A. Abdullayev | Human capital development in the context of health and safety regulation: policy analysis in construction industry | 124–138 |
| A. Zikriyoyev<br>M. Farmonova<br>Ch. Keldiyorova<br>D. Nekboyev<br>O. Murodova | Orientation / induction day as a remedy for human caital investment at higher education | 139–150 |
| A.S. Boltayev<br>Y.M. Otaboyev | The impact of health and education expenditure on economic growth in case of Uzbekistan | 151–163 |
| O.A. Eshbayev | Strategic integration of emerging technologies in engineering education: a holistic approach to cultivate human capital for the digital economy | 164–169 |

| | | |
|---|---|---|
| A.O. Jumanov<br>R.A. Omirzakov | Innovative environmental education in higher education: fostering sustainable mindsets for a greener future | 170–175 |
| I.Sh. Khadjiyeva | School climate quality and education quality: evidence from 15 worst performing nations at PISA 2018 | 176–187 |
| M.O. Kurolov | Leveraging digital healthcare marketing strategies to enhance social welfare through human capital development | 188–192 |
| M. Numanova<br>F. Khakimov | Priorities for the development of national human capital in the economy | 193–198 |
| M.X. Xo'jayeva | Properties of innovative activity in the education system of Uzbekistan | 198–203 |
| H.T. Yaxshiyev | Mehmonxona hamda restorani biznesi faoliyati tushunchasi va mohiyati | 204–206 |
| X.B. Nasriddinov | O'quvchilarning kreativ fikrlashini rivojlantirishda ta'lim metodlaridan foydalanish | 207–210 |
| Sh.Y. Sharobiddinov | Investing in human capital: a comparative analysis of democratic and authoritarian regimes | 211–220 |
| Z.M. Xasanova | Comparative analysis of innovative education management strategies for economic education and green development: lessons from foreign countries | 221–228 |
| S.R. Xolbayeva | Трансформация системы подготовки кадров в целях повышения эффективности функционирования человеческого капитала в экономической системе | 229–238 |


## INSON TARAQQIYOTI


| | | |
|---|---|---|
| Sh.U. Jo'rayeva | Socio-economic significance and analysis of the standard of living of the population | 239–244 |
| N.M. Khazratkulova | The impact of inter-budgetary relations on regional growth and the standard of living of the population of the regions (on the example of the republic of Uzbekistan) | 245–250 |


## KAMBAG'ALLIKNI QISQARITRISH


| | | |
|---|---|---|
| G.Q. Abduraxmonova<br>M.X. Fayziyeva<br>Sh.Q. Xoliyorova | O'zbekiston davlat ijtimoiy himoya tizimini mustahkamlashda raqamli rivojlanishning o'rni | 251–261 |


## GENDER TENGLIK


| | | |
|---|---|---|
| G.Q. Abruraxmonova<br>N.U. Khalimjonov | Gender inequality in labour market | 262–268 |


## MUNOSIB MEHNAT


| | | |
|---|---|---|
| Sh.X. Raxmatullayeva | Milliy korxonalarda mehnat samaradorligining muhim ko'rsatkichlarini baholash tizimini imkoniyatlari | 269–275 |
| Z.U. Usmonov | Ko'zi ojiz shaxslarni ish bilan ta'minlashning obyektiv zarurligi | 276–283 |


## TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH


| | | |
|---|---|---|
| L.F. Amirov | Современные тенденции развития аграрного сектора Республики Узбекистан | 284–293 |
| I. Khotamov<br>A. Kasimov<br>Y. Najmiddinov<br>G. Yuldashev | The current importance of alternative energy and renewable energy in Uzbekistan | 294–317 |
| Z.T. Abdurakhmanova | Factors affecting sustainable agriculture and food production in Uzbekistan | 318–328 |
| J.X. Ishanov | Determination of hydraulically acceptable length of drip irrigation pipe | 329–334 |



Toshkent sh, Islom Karimov k., 41-uy. ilmiymaktab@gmail.com www.laboreconomics.uz +998 (99) 881-86-98

| | | |
|---|---|---|
| U.Sh. Duskobilov | Influence of monetary policy instruments on macroeconomic stability during the transition to inflation targeting in Uzbekistan | 335–342 |
| Sh.D. Ergashkhodjayeva<br>E.Y. Khojiyev | The EU’s generalised system of preferences: impact on foreign trade of domestic products | 343–348 |
| O.A. Eshbayev | Exploring synergies: redefining engineering education management for industry 4.0 in the digital economy era | 349–354 |
| H.B. Haydarov | O‘zbekistonda makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda xorijiy investitsiyalarning tutgan o‘rni | 355–361 |
| M.R. Khidirova | Improving the efficiency of corporate governance based on the modeling of agricultural machinery enterprises | 362–369 |
| B.N. Ishniyazov | Analysis of the activities of innovation of the agricultural sector of our country | 370–374 |
| N.N. Ismoilov | Implementing SDGS (sustainable development goals) in small business entities | 375–380 |
| N.S. Karimova | O‘zbekistonda klasterlar faoliyatini tashkil etish mexanizmi | 381–385 |
| M.R. Khayitova | The essence of green loans in a global unstable environment | 386-391 |
| S.B. Maxmudov | Milliy iqtisodiyotda eksport amaliyotiga ta’sir etuvchi omillarni ekonometrik tahlilini baholash | 392–401 |
| Y.F. Najmiddinov | Initial efforts to develop green energy and green growth in Uzbekistan | 402–407 |
| Ch.G. Nosirova | Developing sustainable pathways for textile product exports: a green strategy approach to enhance social welfare | 408–415 |
| N. Khalimjonov<br>P. Allayarov | The gravity trade model for Uzbekistan | 416–424 |
| D. Usmonova | Evaluating the role of marketing strategies in fostering the growth of viticulture enterprises for achieving sustainable agricultural development | 425–431 |


**MAKROIQTISODIYOT**


| | | |
|---|---|---|
| A. Valiyeva | Assessing the impact of sustainable agricultural practices on legume market dynamics: a comprehensive marketing research analysis | 432–440 |
| V.K. Yarashova | The mutual influence of transport on macroeconomic indicators in Uzbekistan | 441–447 |
| M.S. Yusupov<br>G.T. Ismoilova | Oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish zanjirida agrosanoat klasterlarining ahamiyati va rivojlantirish imkoniyatlari | 448–459 |
| M.T. Abdurahmanova<br>M.M. Ismailova | Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишнинг хориж тажрибасини такомиллаштириш | 460–465 |
| N.B. Achilova | Сущность и значение национального брендинга стран в условиях глобализации | 466–474 |
| J.N. Bayisbayev | Мамлакатимизнинг тадбиркорлик субъектларини ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлашдаги иштироки | 475–481 |
| A. Valiyeva | Оценка роли устойчивых методов ведения сельского хозяйства в повышении конкурентоспособности рынков бобовых: глобальный маркетинговый анализ | 482–490 |
| F.R. Bobobekov | Мақроиқтисодий барқарорлик шароитида факторингга таъсир этувчи омиллар | 491–497 |
| D.B. Xajiyev | Даромадларни қайта тақсимлаш жараёнларини тартибга солишнинг фискал воситалари | 498–504 |

# МАҚРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ШАРОИТИДА ФАКТОРИНГГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Бобобеков Фарход Рустамович**
Тошкент Кимё халқаро университети

**Аннотация.** Макроиқтисодий барқарорлик шароитида факторинг амалиёти хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзининг ҳар томонлама қулай молиявий хизмат тури эканлигини исботлади. Айниқса мол етказиб берувчи ўз маҳсулотини харидорга етказгандан дебиторлик қарзини муддати келгунча кутмасдан ушбу суммани тижорат банки ёки нобанк кредит ташкилотлари орқали дарҳол молиялаштирилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма маблағларини айланиш тезлигини оширади. Ушбу тадқиқотда дунё мамлакатларни ривожланган, ривожланаётган, ўрта ривожланган ва паст ривожланганлиги бўйича гуруҳларга ажратиб факторингни экспорт-импортга ўзаро боғлиқлик даражасини ўргандик. Мамлакатимиз тижорат банкларидан бирининг эконометрик таҳлил ёрдамида факторинг амалиётини турли хил макроиқтисодий кўрсаткичларига таъсирини ўрганиб ўз фикр ва хулосаларимиз билан тўлдирдик.

**Таянч сўзлар.** дебиторлик қарздорлиги, хўжалик юритувчи субъектлар, харидор, мол етказиб берувчи, факторинг, факторинг амалиёти, эконометрик таҳлил, экспорт-импорт, FCI-Халқаро факторинг ассоциацияси, ЯИМ, банк даромади, корреляцион ва регрессион таҳлил.

## Кириш:

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларни молиявий ресурсларга эҳтиёж сезганда мўътадил иқтисодий ўсишини таъминлаш муаммоси пайдо бўлади. Ҳозирги кунда республикамизда жойлашган корхоналарнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида дебиторлик қарздорлигининг ҳаддан зиёд ошиб кетганлиги шунга далолатдир. Ушбу ҳолатда хўжалик юритувчи субъектлари ўртасида дебиторлик қарздорлигини камайтириш йўлида янги ечимларни излаб топишни тақозо қилмоқда.

Бу борада факторинг амалиёти нафақат хўжалик субъектлари ўртасидаги ички дебиторлик қарздорлигини камайтриш балки ташқи, ўзаро ҳисоб-китоб операцияларини факторинг орқали амалга ошириш имконини яратади.

Мақроиқтисодий барқарорлик шароитида факторингдан фойдаланиш омилларини кўриб чиқмоқчи бўлсак, авваламбор факторинг амалиётини ҳеж қанақа гаров ва олдиндан тўлов амалга оширмасдан бажаралидиган молиявий хизмат тури ҳисобланади, корхонадаги активларнинг ликвидлиги, унинг рентабеллиги, тўлов қобилиятини оширишга ва пироварда унинг иқтисодий ўсишига олиб келади. Иқтисодчи олимларнинг фикрича мол етказиб берувчи корхоналарнинг дебиторлик қарздорлигини ошириб бориши аввалам бор уларнинг бошқа мижозларига иқтисодий занжир орқали таъсир қилиниши эътироф этилади. Жумладан, ресурсларинг инфлация оқибатида ўз жозибадорлигини йўқотиши бу берилган имкониятлардан фойдаланмаслик ва охир-оқибат корхоналарни иш фаолиятини тўхташига олиб келиши мумкин [1].

Ушбу хизмат тури айланма активларни тўлдириш, яъни товар маҳсулот харидорга етказилгандан тез фурсатда унга ҳисобланган суммани унинг муддатини кутмасдан даров олиш имконини яратади [2]. Факторинг амалиёти нафақат макроиқтисодий барқарорлик шароитида балқи иқтисодиётда нобарқарорлик бўлган пайтда ҳам ўсиш суратлари тушмаслиги билан бошқа молиявий хизматлардан фарқланади ва бу дунё иқтисодчи олимлари томонидан эътироф этилган [3]. Шу ўринда иқтисодчи олимларни факторинг бўйича фикрларини ўргандик. Жумладан, Р.Мусаев [4] ўзининг мақоласида Ўзбекистонда факторингни ривожлантириш бўйича билдирган фикрлари мунозарали. Муаллифнинг фикрига кўра, факторинг амалиёти ТИФ АЖ “Миллий банки” томонидан экспорт бўйича хорижий валюта орқали амалга оширилмоқда. Бироқ, факторинг бўйича олиб борган тадқиқотларимиз натижаларига кўра ушбу банк томонидан факторинг амалиёти ҳозирги пайтда деярли амалга оширилмаяпти. Бунинг асосий сабаблари эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 августда 953-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини

ўтказиш тартиби тўғри-сида”ги Низоми Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 3293-сон Буйруғи билан бекор қилиниши бўлган [5].

**Методолгия:**

Тадқиқотимизда факторинг амалиётининг эконометрик таҳлилини икки қисмга бўлдик. Биринчи қисмида – дунё мамлакатларида факторинг амалиёти таҳлил қилинган бўлсак, иккинчи қисмида – республикамиздаги «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ объект сифатида олинди.

Дунё мамлакатларида факторинг амалиётини эконометрик таҳлил қилиш учун маълумотлар Халқаро факторинг ассоциацияси (FCI) томонидан тақдим қилинадиган йиллик ҳисоботлардан олинди [6]. Ассоциацияга ҳозирги вақтда 90 та давлат ҳамда 410 дан ортиқ компания ва тижорат банклари аъзо бўлиб, унинг факторинг бўйича маълумотлари таҳлил учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳар бир тадқиқот иши олдинги бажарилган илмий ишларга асосланади. Эконометрик таҳлилларни бажаришда Marc Auboin ва бошқаларнинг [7] тадқиқот ишларига таяндик. Тадқиқотчилар дунёда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг амалга оширадиган экспорт-импорт ҳажмига факторинг ва савдо кредити таъсирини қуйидаги кўринишдаги эконометрик модель орқали ўрганишган.

$$Ln(SME\ Trade)_{it} = \beta_0 + \beta_1 Ln(Fact)_{it} + \beta_2 Ln(Cred)_{it} + \mu_i + \epsilon_{it}$$

$$Ln(SME\ Trade)_{it} = \beta_0 + \beta_1 Ln(Fact)_{it} + \beta_2 Ln(Cred)_{it} + \mu_i + \epsilon_{it}$$ (1.1)

Бунда, Ln(SME Trade) i - мамлакатнинг, t - йилдаги экспор-импорт операциялари;

Ln $(Factoring)_{it}$ – i-мамлакатнинг t- йилдаги умумий факторинг айланмаси;

Ln $(Credit)_{it}$ – i-мамлакатнинг t- йилдаги савдо кредит айланмаси;

$\mu_i$ – ҳар бир мамлакатга хос таъсирлар.

Танланган мамлакатлар экспорт-импорт ҳажми (боғлиқ ўзгарувчи)га таъсир этувчи мустақил боғловчиларнинг (мустақил боғловчилар ҳақида пастда бирма-бир маълумотлар келтирилган) ижобий боғлиқлиги тўғрисидаги моделни текшириб кўриш учун Marc Auboin, Harry Smythe and Robert Teh томонидан таклиф қилинган (1.1-формула) моделидан фойдаланган ҳолда қуйидаги формулани келтирамиз:

$$LnTradeExpIm_{it} = \beta_0 + \beta_1 LnCoNum_{it} + \beta_2 LnDomCrePriSec_{it} + \beta_3 LnGDPPCG_{it} + \beta_4 LnTotFacVol_{it} + \beta_5 LnInterFac_{it} + \beta_5 LnDom\ Fac_{it} + \mu_i + \epsilon_{it}$$

$$LnTradeExpIm_{it} = \beta_0 + \beta_1 LnCoNum_{it} + \beta_2 LnDomCrePriSec_{it} + \beta_3 LnGDPPCG_{it} + \beta_4 LnTotFacVol_{it} + \beta_5 LnInterFac_{it} + \beta_5 LnDom\ Fac_{it} + \mu_i + \epsilon_{it}$$

(1.2)

Бунда, Ln TradeExpIm i - мамлакатнинг, t - йилдаги экспор-импорт операциялари (долл.);

$\beta_0$ - озод ҳад;

$LnCoNum_{it}$ – i-мамлакатнинг, t- йилдаги компаниялар сони;

$LnDomCreSec_{it}$ – i-мамлакатнинг, t- йилдаги хўжалик субъектларига берилган кредит суммасининг ЯИМдаги фоизи;

$LnGDPPCG_{it}$ – i-мамлакатнинг, t- йилдаги ЯИМнинг жон бошига ўсиши фоизда;

$LnTotFacVol_{it}$ – i-мамлакатнинг, t- йилдаги умумий факторинг ҳажми (долл.);

$LnInterFac_{it}$ – i-мамлакатнинг, t- йилдаги халқаро факторинг ҳажми (долл.);

$LnDomFac_{it}$ – i-мамлакатнинг, t- йилдаги ички факторинг ҳажми (долл.);

$\mu_i$ – ҳар бир мамлакатга хос таъсирлар;
$x_{it}$ – хатоликларни ўз ичига олади.

**Таҳлил ва натижалар:**

Marc Auboin ва бошқалар олиб борган тадқиқот натижасига кўра, факторинг ва савдо кредитларининг умумий ҳажми кичик ва ўрта бизнес субъектларининг умумий факторинг айланмасига кучли таъсирини исботлашган. Яъни дунё бўйича факторинг ҳажмининг 1% га ўсиши кичик ва ўрта бизнес субъектларининг халқаро савдо ҳажмини 0,112 фоизга оширади [7].

Тадқиқот жараёнида бевосита юқорида келтирилган методология асосида экспорт операцияларига факторинг ва бошқа кўрсаткичларнинг таъсирини таҳлил қилдик. FCI маълумотларига асосланган ҳолда [6], 90 та давлат ичидан факторинг ривожланган 39 та давлатни танлаб олдик. Умумий ҳолда танлаб олинган давлатларда дунё бўйича жами факторинг амалиётининг 90% и амалга оширилади. Булар ичида: АҚШ, Хитой, Буюк Британиядан ташқари, Европа, Осиё ва бир нечта Африка давлатлари ҳам бор. Ушбу давлатларда факторинг амалиёти ривожланиши, қолаверса, иқтисодий ўсиши бўйича қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 14 та ривожланган давлат, 8 та юқори ривожланаёган давлат, 9 та ўрта ривожланаётган ва 3 та паст ривожланаётган давлатлар. Эмпирик тадқиқотимиз 2004-2020 йиллар маълумотларини ўз ичига олиб, кузатувлар сони 450 дан ортиқни ташкил қилди [6].

Таҳлил қуйидагича олиб борилди: танланган даврда дунё мамлакатларида экспорт-импорт ҳажми (боғлиқ ўзгарувчи)га мустақил ўзгарувчилар қанчалик таъсир қилади. Келтирилган маълумотлар асосида панел (вақт ва макондаги), коррелиацион (1-жадвал) ва регрессион (2-жадвал) матрица асосида таҳлил амалга оширилди.

Биринчи босқичда корреляцион таҳлил амалга оширилди. Ушбу таҳлилда икки ёки ундан ортиқ тасодифий ўзгарувчилар ўртасидаги муносабат ўрганилди.

Биз биламизки, корреляцион таҳлил натижалари қанчалик 1 га яқинлашса, бу боғловчилар орасидаги боғлиқлик кучли эканлигини кўрсатади. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, экспорт-импорт ҳажмига кучли боғланган ички факторинг ҳажми ҳисобланади ва бу боғланиш 0,62 га тенг. Кейинги ўринда ташқи факторинг кўрсаткичлари туради, унинг боғланиш кучи 0,59 га тенг. Умумий факторинг ҳажмини экспорт-импорт ҳажмига боғлиқлиги ҳам кучли деб ҳисобланади, боғланиш кучи 0,46 га тенг. Факторинг компаниялар сонининг боғланиш кучи 0,42 га тенг, бу ҳам кучли боғланиш ҳисобланади. Хўжалик субъектларига берилган кредитнинг ЯИМдаги улуши кўрсаткичи бошқа мустақил боғловчиларга қараганда боғланиш даражаси паст бўлиб, у 0,35 га тенг. Кузатувлар ичида экспорт-импорт ҳажмига боғланиш кучи паст бўлган кўрсаткич ЯИМнинг жон бошидаги улуши ҳисобланиб, у 0,06 га тенг. Қолган кўрсаткичларнинг боғланиш даражаси паст. (1-жадвалга қаранг).

**1-жадвал**

**Дунё мамлакатлари экспорт ҳажмига ва қолган кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион матрица [6]**

| | Trade (% of GDP) | Number of factoring companies | Domestic credit to private sector (% of GDP) | GDP per capita growth (annual %) | Total factoring volume by country US$ | Domestic factoring volume by country US$ | International factoring volume by country US$ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Trade (% of GDP) | 1,0 | | | | | | |
| Number of factoring companies | 0,42 | 1,0 | | | | | |
| Domestic credit to private sector (% of GDP) | 0,35 | 0,1 | 1,0 | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| GDP per capita growth (annual %) | 0,06 | 0,05 | -0,18 | 1,0 | | | |
| Total factoring volume by country US$ | 0,46 | 0,19 | 0,19 | -0,02 | 1,0 | | |
| Domestic factoring volume by country US$ | 0,62 | 0,32 | 0,27 | -0,07 | 0,63 | 1,0 | |
| International factoring volume by country US$ | 0,59 | 0,31 | 0,15 | -0,01 | 0,51 | 0,75 | 1,0 |

Регрессион таҳлилни Random effects ва Fixed effects кўринишда амалга оширганимизда деярли натижаларимиз бир-бирига яқин бўлди. Бу эса танланган моделимиздаги кўрсаткичлар таъсирининг статистик аҳамияти юқорилигини (2-жадвалга қаранг) ва таҳлил натижалари статистик жиҳатдан ўринли эканлигини англатади.

**2-жадвал**

**Random effects ва Fixed effects кўринишдаги регрессион таҳлил[6].**

| Trade (% of GDP) | Fixed effects M1 | Random effects M2 | Fixed effects M3 | Random effects M4 |
|---|---|---|---|---|
| Number of factoring companies' | 0,047*** (0,011) | 0,050*** (0,122) | 0,041*** (0,012) | 0,044*** (0,012) |
| Domestic credit to private sector (% of GDP) | -0,000 (0,000) | -0,000 (0,000) | 0,000 (0,000) | -0,000 0,000 |
| GDP per capita growth (annual %) | 0,011*** (0,001) | 0,011*** (0,002) | 0,012*** (0,002) | 0,012*** (0,002) |
| Total factoring volume by country US$ | 0,060*** (0,010) | 0,068*** (0,010) | - | - |
| Domestic factoring volume by country US$ | - | - | 0,038*** (0,010) | 0,044*** (0,010) |
| International factoring volume by country US$ | - | - | 0,023*** (0,007) | 0,026*** (0,007) |
| Кузатувлар сони | 464 | 464 | 453 | 453 |
| Давлатлар сони | 39 | 39 | 39 | 39 |
| $R^2$ | 0,50 | 0,51 | 0,51 | 0,53 |

Standard errors in parentheses
***p <0.01,**p<0.05,*p<0.1

Ҳамма кўрсаткичларда (p<0.01)дан кичик ва статистик жиҳатдан аҳамиятга эга. Дунё мамлакатларида факторинг билан шуғулланадиган компаниялар сони 1 фоиз пунктга кўтарилса, бу экспорт-импорт ҳажмининг ўртача 0,4-0,5 фоизга ўсишига олиб келади. Аҳоли жон бошига ЯИМнинг 1фоиз пунктга ўсиши экспорт-импорт ҳажмини ҳам 0,1 фоизга оширади. Таҳлил қилинаётган мамлакатларда факторингнинг умумий айланмаси 1 фоиз пунктга ўсиши экспорт-импорт ҳажмини 0,6 фоизга оширади. Ички факторингни 1 фоиз пунктга ошса, бу экспорт-импорт кўрсаткичларини ўртача 0,3-0,4 фоизга оширади. Ташқи факторингнинг 1 фоизга ошиши экспорт-импорт ҳажмининг 0,2 фоизга ошишига олиб келади. Таҳлил натижаларига кўра, ташқи факторинг

фоиз кўрсаткичларининг нисбатан паст чиқиши умумий ҳолда ташқи факторинг амалиётининг ички факторинг операцияларига нисбатан камлиги билан изоҳланади.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ маълумотлари асосида бир қатор эконометрик таҳлил ишлари амалга оширилди. Банкда факторинг амалиёти комиссион хизматларнинг бир қисми сифатида катта кўрсаткичга эга эмас. Корреляцион ва регрессион таҳлилда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ бўйича 2003-2020 йиллар давомида банк даромадига (Y- боғлиқ ўзгарувчи ) таъсир этувчи омиллар ($X_n$- мустақил ўзгарувчилар: факторинг ҳажми, кредит ҳажми, қимматли қоғозларга инвестицияларни ўсиш суръати ва комиссион даромадлар) миқдори олинган.

**3 -жадвал**

**Банк даромади миқдорига омиллар таъсирининг корреляцион матрицаси [8]**

| | Банк даромадининг ўсиш суръати | Факторинг ҳажмининг ўсиш суръати | Кредитлар ўсиш суръати | Қимматли қоғозларга инвестицияларнинг ўсиш суръати | Комиссион даромадлар нинг ўсиш суръати |
|---|---|---|---|---|---|
| Банкдаромадининг ўсиш суръати | 1 | | | | |
| Факторинг ҳажмининг ўсиш суръати | 0,78 | 1 | | | |
| Кредитлар ўсиш суръати | 0,95 | 0,68 | 1 | | |
| Қимматли қоғозларга инвестицияларнинг ўсиш суръати | 0,74 | 0,35 | 0,74 | 1 | |
| Комиссион даромадларнинг ўсиш суръати | 0,96 | 0,75 | 0,98 | 0,77 | 1 |

Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, келтирилган кўрсаткичлар 1 га қанчалик яқинлашса, бу боғловчилар орасидаги боғлиқлик кучли эканлигини кўрсатади. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, банк даромади ўсиш суръати билан факторинг ҳажмининг ўсиш суръати ўртасидаги боғлиқлик даражаси кучли 0,78 га тенг. Кейинги ўринда кредитлар ўсиш суръатининг боғлиқлиг даражаси 0,95 га тенг бўлиб бу ҳам банк даромади ўсиш суръатларига кучли боғланган. Қимматли қоғозларга инвестицияларни ўсиш суръатини банк даромади ўсиш суръатларига боғланиши 0,74 га тенг ва бу боғланиш ҳам кучли ҳисобланади. Комиссион даромадларнинг ўсиш суръатининг банк даромади ўсиш суръатларига боғланиши 0,96 га тенг бўлиб, кучли ўзаро корреляцион боғланиш ҳисобланади. (3-жадвалга қаранг).

Кўп корреляция коэффициенти R-0,98 боғлиқ ўзгарувчи (банк умумий даромадлари) ва мустақил ўзгарувчилар (факторинг ҳажми, кредит ҳажми, қимматли қоғозларга инвестицияларни ўсиш суръати ва комиссион даромадлар) ўртасидаги кучли статистик боғлиқликни тавсифлайди.

**4-жадвал**

**Регрессион таҳлил моделининг натижалари [8]**

| | |
|---|---|
| Кўп корреляция коэффициенти R | 0,98 |
| Детерминация коэффициенти $R^2$ | 0,96 |
| Тузатилган детерминация коэффициенти $R^2$ | 0,95 |
| Стандарт хатолик | 187255,4857 |
| Кузатувлар | 18 |

Кўп корреляция коэффициенти R-0,98 боғлиқ ўзгарувчи (банк умумий даромадлари) ва мустақилўзгарувчилар(факторингҳажми,кредитҳажми,қимматлиқоғозларгаинвестицияларнинг

ўсиш суръати ва комиссион даромадлар) ўртасидаги кучли статистик боғлиқликни тавсифлайди. Кўп корреляция коэффициентининг 1 га яқинлиги кўрсаткичлар ўртасидаги тўғридан-тўғри ва жуда кучли чизиқли боғлиқликни англатади. Детерминация коэффициенти $R^2$-0,96 индикаторнинг қийматини 1 га интилиши боғлиқликлар адекватлигини, банк умумий даромадларининг 96,6% ўзгариши танланган мустақил ўзгарувчиларнинг ўзгариши билан изоҳланади (4-жадвал).

5-жадвалга мувофиқ, эконометрик моделни қурамиз:

$$\mathcal{Y} = -22234{,}04 + 3{,}71x_1 + 0{,}09x_2 15{,}44x_3 - 7{,}07x_4$$

$$\mathcal{Y} = -22234{,}04 + 3{,}71x_1 + 0{,}09x_2 15{,}44x_3 - 7{,}07x_4 \quad (1.3)$$

Регрессион тенгламадан кўриниадики, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБда банк даромади суммасининг ошишига факторинг ҳажмининг ўсиш суръати, кредит ҳажмининг ўсиш суръати, қимматли қоғозларга инвестицияларнинг ўсиш суръати ижобий таъсир кўрсатган.

**5-жадвал**

**Модель параметрларини нуқтали баҳолаш [8]**

| | **Коэффициент лар** | **t-статистика** | **Р- муҳимлик даражаси** |
|---|---|---|---|
| **Y- кесишмаси** | -22234,04 | -0,14 | 0,88 |
| **$X_1$- факторинг ҳажмининг ўсиш суръати** | 3,71 | 3,80 | 0,002 |
| **$X_2$- кредитлар ўсиш суръати** | 0,09 | 3,23 | 0,006 |
| **$X_3$- қимматли қоғозларга инвестицияларнинг ўсиш суръати** | 15,44 | 2,83 | 0,01 |
| **$X_4$- комиссион даромадларнинг ўсиш суръати** | -7,07 | -1,70 | 0,11 |

Комиссион даромадларнинг ўсиш суръати ижобий таъсирга эга эмас. Таҳлил натижаларидан маълумки, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг асосий даромад манбаи фоиз ҳисобидан олинадиган даромад ҳисобланади. Жадвалдан кўриш мумкинки, кредитларнинг ўсиш суръати банкнинг даромадлилиги билан кучли боғланган. Жаҳон амалиётини қарайдиган бўлсак, ҳозирги вақтда тижорат банкларининг 30-40% даромадини комиссион даромадлар ташкил қилади [9]. Биз таҳлил қилаётган «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ банкида эса, ушбу кўрсаткич пастлиги билан ажралиб турибди. Яъни банк даромади билан комиссион даромадлар ўртасидаги боғланиш даражаси F нинг P қиймати ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни эҳтимоли пастлигини билдиради. Бу коэффициент, одатда, 0,05 дан кичик бўлганда, регрессия тенгламасини ижобий деб қараш мумкин бўлади. Бизнинг натижамизда комиссион даромадлардан олинадиган қиймат 0,111... тенг. Демак, банкнинг умумий даромади ва комиссион даромадлари ўртасидаги боғлиқлик берилган тенгланмада бир-бирига таъсир эҳтимоллиги паст.

## Хулоса ва таклифлар:

Шундай қилиб, назарий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларига асосан, экспорт ҳажмига мустақил боғловчиларнинг таъсирчан бўлиши имперік исботланди. Хўжалик субъектларига бериладиган кредитнинг таъсиридан ташқари бошқа барча ўзгарувчилар таъсир кўрсаткичларининг ижобий боғлиқлиги тасдиқланди.

Келтирилган натижалар бўйича хулоса қиладиган бўлсак, дунё миқёсида факторинг компаниялари сони ва умумий экспорт ва импорт операциялари ўртасидаги боғлиқлик мавжуд яъни факторинг компаниялари сонининг ошиши бевосита экспорт ва импорт ҳажмининг ўсишига олиб келади. Бевосита мамлакатимиз мисолида кўрмоқчи бўлсак унда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ кредит бериш ва фоиз ҳисобидан даромад олишга боғланиб қолган. Таҳлил натижаларига кўра, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ маълумотлари асосида танланган моделимиз статистик жиҳатдан аҳамиятли.

Таклифимиз келажакда банк нафақат ўзининг даромадини кредит ҳисобидан, балки бошқа молиявий хизматлар ҳисобидан тўлдириши керак, зеро ушбу молиявий хизматлар кредит беришдан кўра анча хавфсиз ҳисобланади. Молиявий хизматларнинг бир тури факторинг амалиёти ҳисобланади.

## Адабиётлар рўйхати:

1. Грызунова Н.В., Швейкерт М.И. Цена как инструмент контроллинга. Оптимизация объемов заказов на базе экосоставляющей // Вестник Университета (Государственный университет управления). – 2010. – № 9. – С. 157–163.

2. Чиж М.Д. Факторинг как инструмент финансирования внешнеэкономической деятельности: автореферат дис.кандидата кономических наук: 08.00.14 / С.-Петерб. ун-т экономики и финансов. – Санкт-Петербург, 2005. – 19 с.

3. Bogdan Wtodarczyk, Aleksandra Ostrouska (2017) "The Factoring market in Polland and Europen Union" Olstyn Economic Journal,12(3) pp-307-321.

4. Musaev.R. Ways to develop factoring practices in commercial banks. / Central Asian Journal of Innovations on Tourism/ Volume: 02 Issue: 11 | Nov 2021 ISSN: 2660-454X.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 3 августда 953-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган (ҳужжат амалда ўз кучини йўқотган).

6. Халқаро Факторинг Ассоциацияси https://fci.nl/en/ йиллик ҳисоботлари ва жаҳон банки https://datacatalog.worldbank.org/public-licenses#cc-by маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

7. Marc Auboin, Harry Smythe and Robert Teh. Supply chain finance and SMEs: evidence from international factoring. Data: WTO Working Paper ERSD-2016-04 Date: 01 July 2016

8. «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ нинг 2003-2020 йиллардаги ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилган. https://sqb.uz/for-investors/reports-and-presentations-ru/

9. Коченихина Е. В. Непроцентный доход коммерческого банка // Научно-методический электронный журнал «Концепт». – 2016. – № 12 (декабрь)

MEHNAT IQTISODIYOTI
VA INSON KAPITALI
https://laboreconomics.uz

# MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI
## 2023-yil Maxsus son

# ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ

# LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

laboreconomics.uz

*Muharrirlar:*
*Yaxshiyev H.T.*
*Matxo'jayev A.O.*

*Musahhih:*
*Kamilova D.J.*

*Tehnik muharrir:*
*Mirzayev J.O'.*

Litsenziya AI № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi 19.10.2023.
Qog'oz bichimi 60x84 $^1/_8$. Shartli bosma tabog'i 31,6. Raqamli bosma.
Adadi 50 nusxa. №16/10-2023 - sonli buyurtma.

"Zarafshon Foto" MCHJning matbaa bo'limida chop etildi.
100164, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Shahriobod ko'chasi, 3-uy.

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.
+998 99 881-86-98
ilmiymaktab@gmail.com
www.laboreconomics.uz